# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СУВ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ЭКИНЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА СУВ БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛИ ТИЗИМГА ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

**Озиқ-овқат хавфсизлиги –аҳолининг барча қатламини соғлом ва фаол ҳаёт кечириши учун жисмоний, ижтимоий, иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат истеъмоли эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш, хавфсизлик кўрсаткичларига мувофиқлигини (инсонга зарар етказмаслигини) таъминлаш, юқори озуқавий қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шароитларини кафолатловчи давлатнинг иқтисодий ҳолатини акс эттиради.**











# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ СТРАТЕГИСИ МАҚСАДЛАРИ



1

**1-мақсад. Барқарор қишлоқ хўжалиги ва барча аҳоли учун етарли хажм ва миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини мавжудлиги;**

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш;
2) озиқ-овқат таъминоти занжирида маҳсулотлар йўқотилиши ва исрофгарчилигини камайтириш;
3) табиий ресурслар, ер, сув ва озиқ-овқат захираларини барқарор бошқариш;
4) трансчегаравий ҳайвонлар касалликлари ва ўсимликлар зараркунандаларига қарши курашиш;
5) қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини барқарор ошириш учун қишлоқ жойларда маслаҳат-ахборот тизимларини ва билимларни ошириш хизматларини такомиллаштириш.

2

**2-мақсад. Ҳар бир инсонни озиқ-овқатдан фойдаланиш, харид қилиш имкониятига эга бўлиши**

1) кичик хўжаликларнинг қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат қиймат занжирларига кириш имкониятини яхшилаш;
2) қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш учун бозор рақобатини ва боғлиқлигини кучайтириш;
3) ички бозорларнинг халқаро савдо тизими билан боғлиқлигини мустаҳкамлаш.

3

**3-мақсад. Озиқ-овқат маҳсулотларининг зарарсизлиги яъни организмга зарарли таъсир этувчи турли моддалардан ҳоли бўлиши**;

1) соғлом ва мувозанатли овқатланишни (диетани) тарғиб қилиш;
2) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш;
3) озиқ-овқатлардан самарали фойдаланиш учун уларни ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш.

4

**4-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашдаги барча жараёнларда барқарорликка эришиш.**

1) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда улар бозорларининг табиий-техноген офатлар ва иқлим ўзгариши хавфларига чидамлилигини кучайтириш;
2) ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор алоқаларини аниқ дастур ва «йўл хариталари» асосида тизимли ташкил этиш;
3) фавқулодда вазиятларда озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш имкониятларини ошириш.

# ХАЛҚАРО КЎРСАТКИЧЛАР

1. БМТ ФАО маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 735 млн кишидан ортиғи очликдан азият чекмоқда.

2. Жаҳон банки таҳлилига кўра, етарли озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва инфляцияга чоралар кўрилмаса 2028 йилда дунёда озиқ-овқат етишмайдиган одамлар 1 млрд кишига етиши мумкин.

3. The Global Food Security Index бўйича (2022 й) рейтингда Ўзбекистон позицияси 113 та мамлакат ичида 57,5 баллни ташкил қилиб, 85 – ўриндан 73-ўринга ёки 12 поғонага кўтарилди.

4. Ҳалқаро тажрибада, ички ишлаб чиқариш ҳисобига талабни таъминланиши 80 фоиздан юқори бўлса озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган ҳисобланади.

# “ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ СТРАТЕГИЯ”СИ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**“1-бўлим. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш**

1. Табиий ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарали иқтисодий ва экологик бошқарув тизимларини жорий қилиш.

2. Самарали бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган стратегик озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат назорати остидаги захирасини яратиш.

3. Геосиёсий вазиятлар, инқирозлар нинг салбий таъсирида юзага келадиган хавф-хатарларни мониторинг қилиш платформасини яратиш.

**2-бўлим. Соғлом овқатланишни таъминлаш**

1. Ижтимоий ҳимоянинг миллий тизимини такомиллаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

2. Соғлом овқатланиш ва озиқланиш тамойиллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари ва уларга риоя этиш амалиётларини тарғиб қилиш.

# ҲУДУДЛАРДА ИСТЕЪМОЛ ТАЛАБИ ТЎЛА ҚОПЛАНМАГАН МАҲСУЛОТЛАР ВА ТУМАНЛАР

1 **Картошка**

Мўйноқ (*115%*), Хўжайли (*29%*), Андижон (*42%*), Беруний (*50%*), Шофиркон (*67%*),Фориш (*5%*), Зарбдор (*16%*), Деҳқонобод (*8,7%*), Косон (*4,2%*), Конимех (*59%*), Косонсой (*38%*), Уйчи (*40%*), Самарқанд (*33,5%*), Нуробод (*30,0%*), Қизирик (*31,0%*), Оқолтин (*9,6%*), Сардоба (*39,0%*), Қибрай (*50,0%*), Паркент (*63,0%*), Учкўприк (*59,0%*), Тупроқалъа (*38%*),

2 **Гўшт**

Мўйноқ (*90,0%*), Тўрткўл (*93%*), Избоскан (*59%*), Андижон (*69%*), Чортоқ (*70%*), Тўрақўрғон (*83%*),Нарпай (*64%*), Олтинсой (*63%*), Тошкент (*90,0%*), Қува (*57%*), Бешарик (*61%*),

3 **Тухум**

Тахиатош (*39,0%*), Хўжайли (*54%*), Избоскан (*48%*), Шофиркон (*72%*), Ш.Рашидов (*39%*), Зарбдор (*42%*), Нишон(*29%*), Деҳқонобод (*37%*), Томди (*42%*), Учкудук (*11%*), Учқўрғон (*47%*), Янгиқўрғон (*47%*), Ургут (*62%*), Нарпай (*68%*), Олтинсой (*15%*), Шўрчи (*27%*), Боёвут (*44%*), Қува (*35%*), Сўх (*45%*), Тупроққалъа (*67%*),

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

1. “**CropAgro**” ахборот тизими (АТ)да 3,2 млн. га экинлар контурлар кесимида электрон режалаштириш ва ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

2024 йил ҳосили учун 48 турдаги экинлар (ш.ж: боғ, токзор ва иссиқхона хўжаликлари) 2,4 млн. га майдон (1 022 минг га пахта, 1 017 минг га бошоқли дон) тизимга киритилди.

Фаоллик ҳолати, ер майдони мавжудлиги ва бошқа маълумотларни автоматик солиштириш мақсадида **“CropAgro”** АТ Солиқ идоралари интеграция қилинди;

2. “**Agroplatforma**” АТ да  пахта, ғалла ва картошка етиштиришга имтиёзли кредит ажратиш рақамлаштирилди ҳамда 45 минг маҳсулот етиштирувчиларга “ягона нуқта” орқали хизматлар кўрсатиш жорий этилди.

# Озиқ-овқат хавфсизлиги ахборот тизими ишга туширилади ва 20 та йўналишда интеграция қилинади.




- Озиқ-овқат хавфсизлиги хавф-хатарларини аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва мониторингини юритиш ҳамда эрта хабардор қилиш учун идоралараро **Миллий ахборот платформаси ишлаб чиқилади;**

- **6 та** вазирлик ва идораларнинг **12 та** йўналишдаги электрон базаси интеграция қилиниб, **147 мингта** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар фаолияти бўйича **100 дан** ортиқ статистик ва таҳлилий ҳисоботларда **50 та** индикаторларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилади.

- **107 мингдан** ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва **800 дан** ортиқ қайта ишловчилар тўғрисида маълумот, маҳсулот турлари, сертификатлаш, савдо уйларининг базаси шаклантирилиб, масофадан шартнома қилиш, муаммоларни эрта аниқлаш ва экспортни **30 фоизгача** ошириш тизими яратилади.

**Ахборот тизимини ишга тушириш бўйича масъуллар.**

- Агро маълумотлар базасини бошқариш ва таҳлили, тармоқларни рақамли интеграциялаш бошқармаси.
- Агросанотни рақамлаштириш маркази
- Озиқ овқат саноатини ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи

## 2024 йил

### 8 млрд куб метр

**Сув иқтисод қилинди**

| | |
|---|---|
| Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва лазер текислаш | **2,6** млрд куб метр |
| Ирригация тармоқларида таъмирлаш ва тиклаш ҳисобига | **2** млрд куб метр |
| АКТ ва рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига | **0,6** млрд куб метр |
| Қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш | **2,7** млрд куб метр |

## 2025 йил

### 10 млрд куб метр

**Сув иқтисод қилинади**

| | |
|---|---|
| Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва лазер текислаш | **3** млрд куб метр |
| Ирригация тармоқларида таъмирлаш ва тиклаш ҳисобига | **2,9** млрд куб метр |
| АКТ ва рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига | **0,7** млн куб метр |
| Қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш | **3,5** млрд куб метр |

# ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИДА СУВ ОЛИШ ЛИМИТИ



| | | Сув лимити | Ортиқча олинган сув миқдор |
|---|---|---|---|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | **3 850** млн куб метр | **1 069** млн куб метр (*лимитга нисбатан **128** фоиз*) |
| 2 | Фарғона вилояти | **2 045** млн куб метр | **893** млн куб метр (*лимитга нисбатан **144** фоиз*) |
| 3 | Хоразм вилояти | **2 532** млн куб метр | **440** млн куб метр (*лимитга нисбатан **117** фоиз*) |
| 4 | Бухоро вилояти | **2 058** млн куб метр | **299** млн куб метр (*лимитга нисбатан **115** фоиз*) |
| 5 | Навоий вилояти | **869** млн куб метр | **111** млн куб метр (*лимитга нисбатан **112** фоиз*) |
| 6 | Сирдарё вилояти | **1 633** млн куб метр | **91** млн куб метр (*лимитга нисбатан **106** фоиз*) |
| 7 | Андижон вилояти | **1 698** млн куб метр | **70** млн куб метр (*лимитга нисбатан **104** фоиз*) |
| 8 | Наманган вилояти | **1 702** млн куб метр | **60** млн куб метр (*лимитга нисбатан **104** фоиз*) |
| 9 | Жиззах вилояти | **1 855** млн куб метр | **4** млн куб метр (*лимитга нисбатан **100** фоиз*) |

# НАСОС СТАНЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ



**2017** йилда электр энергияси истеъмоли **8,3 млрд кВт/соат**ни ташкил этган бўлса, **2023** йилга келиб **6,8 млрд кВт/соат** яъни **1,5 млрд кВт/соат** иқтисод қилинишига эришилди.

**2024** йилда электр энергияси истеъмол қилиш режаси **7,1 млрд кВт/соат,** амалда **6,7 млрд кВт/соат**ни ташкил этмоқда.

## 2025 йил

**250 млн кВт/соат**

**электр энергия иқтисод қилинади**

**ШУ ЖУМЛАДАН:**

| | |
|---|---|
| Насос ўрнатиш ҳисобига | **150 та** |
| Электродвигатель ўрнатиш ҳисобига | **166 та** |
| Конденсатор қурилмаси ўрнатиш ҳисобига | **117 та** |
| Частота ўзгартирувчи қурилмаси ўрнатиш ҳисобига | **67 та** |
| Қуёш батареяси ўрнатиш ҳисобига | **58 та** |
| Кучланиш кабеллари ўрнатиш ҳисобига | **18 045 метр** |

**10** фоиз сув кам чиқариш ҳисобига, шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, АКТ ва бетонлаш ҳисобига.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР



**1.** Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида қуёш панелларини ўрнатиш режалари бажарилмаган.

---

**2.**Туман ҳокимлари томонидан тумандаги насос станциялар ёрдамида чиқарилаётган сув учун сарфланаётган бюджет маблағлари ва энергия ресурслари чуқур таҳлил қилинмаябди ва камайтириш бўйича чоралар кўрилмаябди.

---

**3.** Республика бўйича сув истеъмолчиларига насос станциялар ёрдамида етказиб берилаётган **1000** **куб метр** сув учун ўртача **121,9** **кВт** электр энергияси сарфланмоқда. **Лекин**, ҳудудлар насос станциялар ёрдамида етказиб берилаётган **1000** **куб метр** сувга сарфланаётган электр энергия Тошкент вилоятида **148,2** **кВт**, Сурхондарё **163,6** **кВт**, Самарқанд **232,8** **кВт**, Андижон **332,1** **кВт** ва Наманган **380** **кВт**ни ташкил этмоқда.

# СОҲАДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ



## 2024 йил

**“Ақлли сув”** қурилмалари ўрнатилди — **1 392 та**

**“Насос”** қурилмалари ўрнатилди — **1 743 та**

**“Дайвер”** қурилмалари ўрнатилди — **2 110 та**

йирик сув иншоотлари **автоматлаштирилди** — **14 та**

## 2025 йил

**“Ақлли сув”** қурилмалари ўрнатилади — **6 186 та**

**“Насос”** қурилмалари ўрнатилади — **1 821 та**

**“Дайвер”** қурилмалари ўрнатилади — **2 850 та**

йирик сув иншоотлари **автоматлаштирилади** — **15 та**

## Бирорта ҳам “Ақлли сув” қурилмалари ўрнатилмаган туманлар:

### Қорақалпоғистон Республикаси бўйича:

Амударё, Хўжайли, Шуманой, Қўнғирот, Кегейли, Бўзатов,Қораўзак, Тахтакўпир ва Тахиатош.

### Андижон вилояти бўйича:

Андижон, Бўстон ва Олтинкўл.

### Бухоро вилояти бўйича:

Жондор, Пешку ва Ромитан туманлари.

### Сирдарё вилояти бўйича:

Гулистон, Сайхунобод, Мирзаобод ва Сирдарё туманлари.

Тошкент ва Фарғона вилоятларининг барча туманлари.

# СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ



**2017** йилда суғоришда сув тежовчи технологиялар қамрови **28 минг гектар**ни ташкил этган бўлса, **2024** йилга келиб **1,9 млн гектар**га етказилди.

## 2025 йил

## +500 минг гектарда

**ҚЎШИМЧА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ**

**ШУ ЖУМЛАДАН:**

| | |
|---|---|
| Томчилатиб суғориш ҳисобига | **74,6 минг гектар** |
| Ёмғирлатиб суғориш ҳисобига | **35,2 минг гектар** |
| Дискрет суғориш ҳисобига | **27,5 минг гектар** |
| Эгилувчан қувур ва эгатка пленка тўшаб суғориш ҳисобига | **94 минг гектар** |
| Ерларни лазерли текислаш ҳисобига | **268,8 минг гектар** |

# СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



## 2024 йил

### Ирригация тармоқлари таъмирланди-тикланди

| | |
|---|---|
| Каналлар тозаланди | **5 800** км |
| Гидротехник иншоотлар таъмирланди | **5 650** дона |
| Гидропостлар таъмирланди | **5 721** дона |

## 2025 йил

### Ирригация тармоқлари таъмирланади-тикланади

| | |
|---|---|
| Каналлар тозаланади | **5 093** км |
| Гидротехник иншоотлар таъмирланади | **5 297** дона |
| Гидропостлар таъмирланади | **5 133** дона |